# ТАСОДИФМИ, ЁКИ...











Ҳар сафар ажойиб ғалабалари билан мухлисларни хушнуд этадиган дунёнинг энг номдор теннисчилари бу гал чин маънода, образли қилиб таъкидлаганда, енгилиш «санъатини» намойиш қилишди.

Олдинги чиқишларимизда Грег Рузетски, Карл Кучеро, Седрик Пиолине, Марат Сафин каби яшил корт юлдузларининг биринчи босқичдаёқ беллашувларни тарк этганлари ҳақида хабар бергандик. Навбатдаги босқичда эса яна бир қатор катта ракетга дарғалари имкониятни бой беришди. Ҳа, бу йилги Президент кубоги баҳслари кутилмаган натижаларга бисёр бўлаётир.

Биринчи учрашувда А. Черкасовни аранг ютган жаҳоннинг иккинчи ракеткаси Евгений Кафельников бу гал чехиялик Даниел Вацекнинг кучли зарб билан берилган айланма тўпларига қарши ҳеч қандай каромат кўрсата олмади. Залга тўпланган минглаб томошабинларнинг «Женя, Женя», деб қўллаб-қувватлашига қарамай Е. Кафельников бир сетни (6:2) ўз фойдасига ёзгани ҳолда, қолган икки сетда (7:6, 7:6) мағлубият аламини тортди. Ўтган йили финалгача етиб келган Евгений бу сафар беллашувларни ана шундай эрта якунлади. Ушбу мағлубият кўпчилик мутахассисларнинг ғолибликка асосий даъвогар, албатта Е. Кафельников, деган башоратларини ҳам пучга чиқарди.

Машҳур спортчилардан яна бири — Марк Россе ҳам энди томошабинлар қаторидан жой оладиган бўлди. У ўз ватандоши Георге Бастлга икки сетда имкониятни бой берди — 6:3, 7:6 (4). Қизиғи шундаки, бу икки швейцариялик спортчи ҳали шу пайтгача расмий мусобақаларда бир-бирига рўбарў келмаган эди. Фақат улар бирга машқ қилишган, холос. Демак, ёш ва маҳорат жиҳатидан анча катта бўлган М. Росседан Георге кўп нарса ўрганган бўлиши, табиий. Халқимизнинг шогирд устоздан ўтиши лозим, деган ҳикматли сўзининг тасдиғи шу бўлса керак-да.

Олдинги босқичда Г. Рузетскиний кортдан бош эгиб чиқишга мажбур қилган Лауренс Тилеман (Италия) ҳам бу гал ўзи ана шундай ҳолатда кортни тарк этди. Уни франциялик Антони Дюпуис икки сетда (6:2, 6:3) доғда қолдирди.

Саралаш гуруҳи ғолибларидан бири таиландлик Парадон Сричапан олдинга юришда давом этмоқда. Навбатдаги учрашувда у Иво Хойбергер (Швейцария)дан устун келди — 7:5, 7:6 (2).

Президент кубоги — 99 турнирининг сараланган саккиз нафар юлдузи, деб кўрсатилган теннисчилардан фақат Николас Кифер (Германия)гина чорак финалга чиқа олди. У иккинчи босқичда Лоренз Манта (Швейцария)ни икки сетда (6:4, 6:4) мағлубият кўчасига етаклаб кирди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Сесил Мамит (АҚШ) — Вилле Люкко (Финляндия) — 6:3, 7:5; Питер Весселс (Голландия) — Рогер Федерер (Швейцария) — 4:6, 7:6 (1), 6:4; Аксел Претз (Германия) — Саргис Саргисян (Арманистон) — 6:3, 5:7, 7:5.

Кеча кечқурун чорак финал баҳслари ҳам бўлиб ўтди. Унда Д. Вацек — П. Сричапан, Н. Кифер — С. Мамит, П. Весселс — А. Претз, Г.Бастл — А. Дюпуис ўзаро куч синашишди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ**
**(суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

---

**Сўз — турнир иштирокчиларига**

# ЮЛДУЗЛИ ОНЛАРИМ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНСА АЖАБ ЭМАС...

**Георге БАСТЛ (Швейцария); саралаш гуруҳи ғолиби. Асосий беллашувларнинг биринчи босқичида Олег Огородов, навбатдагисида Марк Россени доғда қолдириб чорак финалга чиққан.**

—Тошкентга келишдан олдин саралаш гуруҳида ғолиб бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйган эдим. Аммо ҳозир ҳурсандчилигим чексиз, кўриб турганингиздек, чорак финалга чиқдим. Бу менинг теннисга кириб келганимдан буён шундай нуфузли турнирларда илк бор кучли саккизликка чиқишим. Балким, Президент кубоги менинг юлдузли онларимни бошлаб берса, ажаб эмас...

Марк Росседан устун келганимни Ватаним Швейцарияда ҳар ким ҳар хил қабул қилса керак. Кимдир Маркдай севимли ўйинчиси мағлубиятидан ранжиса, иккинчилари балки мамлакатимизда яна бир иқтидорли теннисчи бўй кўрсатди, деб хурсанд бўлишар...

Қайтариқ бўлса ҳам айтай, Тошкент кортлари мен учун омадли келди. Яна бир қизиқ томони, ўзимни ҳеч ҳам бегона сезмадим. Ҳар бир чиройли ҳаракатимни қўллаб-қувватлаб турган ўзбек мухлислари бунга имкон беришмади.

**Парадом СРИЧАПАН (Таиланд); ўз мамлакатининг биринчи ракеткаси. Биринчи ва иккинчи босқичларда Иван Любичик (Хорватия), Иво Хойбергер (Швейцария)ни мағлуб этиб чорак финалга чиққан.**

— Биз оилада учта ака-ука ҳаммамиз теннис ўйнаймиз. 1997 йили Дэвис кубоги мусобақаларида қатнашиш учун Тошкентга келган акам Нарадом Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар ҳақида илиқ таассуротлар билан гапириб берган эди. Мана энди ана шу акам ҳикоя қилиб берган манзараларни ўз кўзим билан кўриб турибман.

Яна бир нарсани айтиб ўтай. Сўнгги йилларда Тошкентда кўплаб спорт турлари бўйича тез-тез халқаро мусобақалар ташкил этилаётгани ва унинг юксак савияда ўтказилаётганини, Ўзбекистонда спортнинг бош ҳомийси мамлакат Президентининг ўзи эканлиги ҳақида эшитгандим. Бугун мен Президент кубоги мисолида ушбу жараённинг жонли гувоҳиман. Турнирнинг тантанали очилиш маросимига давлат раҳбарининг шахсан ташриф буюриб, биз спортчилар ҳақида айтган илиқ фикрлари менга ўзгача ҳаяжон бағишлади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Озод БЕК ёзиб олди.**

---


*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар, республикамизнинг барча фуқаролари!*

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК - ТИЖОРАТ БАНКИ**

Gallabank

**«ҒАЛЛА-БАНК»**

**Ватанимиз истиқлолининг 8 йиллик байрами билан республикамизнинг барча аҳолисини чин дилдан табриклайди.**

*Халқимизга байрам туҳфаси сифатида қуйидаги омонатлар учун ўзгартирилган янги фоизлар ўрнатилганлигини маълум қилади:*

- **3** ойга **10 фоиз** миқдорида;
- **6** ойга **21 фоиз** миқдорида;
- **9** ойга **32 фоиз** миқдорида;
- **1** йил муддатга **40 фоиз** миқдорида;

*Омонатлар «Ғаллабанк»нинг мавжуд филиали ва бўлимларида қабул қилинади.*

*Ўз маблағини кўпайтириш истагини билдирган барча сармоядорларни «Ғаллабанк» хизматидан фойдаланишга таклиф этамиз.*

*Шу билан биргаликда,*

*РИАТБ «Ғаллабанк» акцияларининг V эмиссияси жойлаштирилиши давом этаётганлигини маълум қиламиз.*

*Шошилинг, акциялар сони чекланган!*

*«Ғаллабанк» акциялари оилангиз ва фарзандларингизнинг бахтли келажагини кафолатлайди!*

*Омонатларни жойлаштириш ва акцияларни сотиб олиш бўйича Сизни қизиқтирган масалаларга доир маълумотларни вилоят филиалларидан ва Бош банкнинг қуйидаги телефонлари орқали билиб олишингиз мумкин:*

**133-71-72, 136-38-29, 136-16-17.**
**Манзил: Тошкент ш., Шаҳрисабз (эски Лоҳутий)кўчаси, 36-уй.**

**РИАТБ "Ғаллабанк бошқаруви"**

2115


---

**«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси**

# «Ўзбурғунефтгаз»

**акциядорлик компанияси**

## ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ (ПРОСПЕКТИ)

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 6 сентябрь 1999 йил Р 0077-сонли рақам билан рўйхатга олинган**

### 1. ЭМИТЕНТНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

***1. Тўлиқ ва қисқартирилган номи: Очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзбурғунефтгаз» Акциядорлик компанияси, «Ўзбурғунефтгаз» АК.***
***2. Юридик манзили:***
***Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35.***
***3. Эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтказилган тартиб рақами ва санаси:***
***Қарши шаҳар ҳокимлиги томонидан 1999 йил 23 июлда Х-488\7-47 сонли қарор билан рўйхатга олинган.***
***4. Ташкилий-ҳуқуқий шакли:***
***Очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги акциядорлик компания.***
***5. Таркибига эмитент кирадиган бирлашма (уюшма, концерн, корпорация, холдинг ва шу кабилар)нинг тўлиқ номи ва юридик манзили:***
***«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси, 700047, Тошкент ш., Охунбобоев кўчаси, 21.***
***6. Эмитент (бирлашма)нинг ҳисоб-китоб (жорий)ва бошқа рақамлари, хизмат кўрсатувчи банк муассасалари номи ва реквизитлари:***
***20210000600487259001 Қарши шаҳри, СКБ Темирйўл бўлими, МФО 00854.***

### II. АКЦИЯЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ.

***1. Бошланғич маълумотлар:***
*а)Устав жамғармаси* — *1579355000 сўм*
*б) Акциялар сони* — *1579355 дона*
*в)Бир дона акциянинг номинали* — *1000 сўм*

***2. Меҳнат жамоаси аъзолари номинал қиймати бўйича сотиб оладиган эгаси ёзилган оддий акциялар:***
*а)Акциялар улуши* — *10 фоиз*
*б)Акциялар суммаси* — *157936000 сўм*
*в)Акция сони* — *157936 дона*

***3. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига, бериш учун давлат мулкига бириктилган, эгаси ёзилган оддий акциялар:***
*а)Акциялар улуши* — *51 фоиз*
*б)Акциялар суммаси* — *805471000 сўм*
*в)Акция сони* — *805471 дона*

***4. Эркин сотишга қўйиладиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича хорижий инвесторларга ҳам сотилиши мумкин бўлган эгаси ёзиладиган оддий акциялар:***
*а)Акциялар улуши* — *39 фоиз*
*б)Акциялар суммаси* — *615948000 сўм*
*в)Акция сони* — *615948 дона*

***5. Чиқариладиган акцияларни чиқариш шакли: Ёзувлари марказлаштирилган депозитарийда сақланадиган шаклда 100 фоиз 1579355000 сўмлик 1579355 дона.***

***6. Чиқарилаётган акцияларни тарқатиш ва сотиш тартиби, миқдорлари ва муддатлари:***

| № | Акцияларни жойлаштириш тартиби | Акцияларни жойлаштириш муддатлари | | Акцияларнинг умумий қиймати | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Жойлаштиришнинг ва сотишнинг бошланиши | Жойлаштиришнинг ва сотишнинг тугаши | сумма (минг сўм) | акцияларни умумий сонидан % ларда |
| 1. | Жами акциялар | 1 йил давомида | | 1579355 | 100 |
| 2. | «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига бериш учун давлат мулкига бириктилган эгаси ёзилган оддий акциялар | 1 йил давомида | | 805471 | 51 |
| 3. | Меҳнат жамоаси аъзолари ўртасида эгаси ёзилган оддий акцияларни жойлаштириш | 1 йил давомида | | 157936 | 10 |
| 4. | Эркин сотишга қўйиладиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича,хорижий инвесторларга ҳам сотилиши мумкин бўлган эгаси ёзиладиган оддий акциялар | 1 йил давомида | | 615948 | 39 |

Ш@2142

---

«Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят жамоат кенгаши аъзоси **Жўра ота ХОНАЗАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Ўзагрокимётаъминот» Давлат акционерлик бирлашмасининг жамоаси, Сурхондарё вилоят «Агрокимётаъминот» Давлат-акционерлик бирлашмаси раиси Эшболта Шерматовга турмуш ўртоғи **ОНОРХОН опанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқаро «Олтин Мерос» хайрия жамғармаси жамоаси жамғарманинг «Мунажот» миллий мумтоз рақс ансамблининг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедовага муҳтарама оналари **ҚИММАТХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0726, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. МАДАТОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.45*
1 2 3 4 5 6